



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

№3

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2025



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2025 йил, 3-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

Бош муҳаррир

ўринбосари:

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

Масъул котиб:

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:

и.ф.д., доцент Ф.А.Сафаров

PhD, доцент И.М.Пардаева

PhD, И.Ш.Эрназарова

Техник муҳаррир:

и.ф.н., проф. А.Н.Холиқулов

Корректор:

PhD, доц. С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 маротаба
чоп этилади.

**Ўзбекистон худудида
тарқатилади.**

Тахририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,
+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти ректори, и.ф.д., профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,
профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – и.ф.д., профессор.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

М.Р.Болтабаев – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

А.Бектемиров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ профессори в.б., иқтисод
фанлари доктори

Л.Н.Халикова – СамИСИ профессори, DSc

Ф.А.Сафаров – СамИСИ доценти, DSc

А.М.Каримова – СамИСИ профессори в.б., DSc

И.Б.Маттиев – СамИСИ профессори, DSc

МУНДАРИЖА:

НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ	
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Озода Мамаюнусова Пардаева, Севара Абдуназаровна Бабаназарова Инсон ресурсларидан самарали фойдаланишнинг концептуал йўналишлари	5
Раъно Суннатхоновна Умарова Давлат фуқаролик хизматчиларининг малакасини оширишга бўлган замонавий ёндашувлар	10
ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ	
Berdiyar Yangiboyevich Yangiboyev Sun'iy intellekt texnologiyalaridan milliy iqtisodiyotda foydalanishning ayrim jihatlari	18
Тўлқин Шокирович Эргашев Инновацион тадбиркорлик фаолияти билан кадрлар тайёрлаш менежменти ўртасидаги иқтисодий алоқадорликнинг намоён бўлиш хусусиятлари	21
Munavvar Sur'at qizi Xusniddinova Turizmدا raqamli texnologiyalardan foydalanish: jahon tajribasi va o'zbekiston uchun xulosalar	26
Тимур Ибодуллаевич Ибрагимов Интеграция вузов и предприятий в инновационном развитии экономики	32
САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ	
Рузбой Нормухаматов, Акрам Джуракулович Гафуров, Ирода Болиева Флавоноидлар ва инсон саломатлиги	36
Botir Khayat Muradov, Olimjon Komiljonovich Muratkulov Problems and solutions to the prospects for the transition of mining enterprises to a green economy on the example of the coal industry	39
Рузбой Нормухаматов, Акрам Джуракулович Гафуров, Суннат Бозоров Озуқабоп тоғлар ва соғлом овқатланиш	42
ТАДБИРКОРЛИК, МЕХНАТ, БАНДЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ	
Shuhrat Marufjonovich Islomov, Avazbek Sa'dullayevich Qarshiyev Mehnat bozorida o'zgarishlarning o'rtacha ish haqiga ta'siri va uning tahlili	45
Maftuna Shavkatovna Xudayarova Aholining tadbirkorlik faolligini baholashning hududiy yondashuvi	50
Murodbek Dusmurot o'g'li Usmonov Qishloq joylarida aholi bandligini oshirish orqali kambag'allikni qisqartirish yo'llari	57
ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС	
Дилбар Хасановна Асланова, Тимур Ибодуллаевич Ибрагимов Анализ предложения на рынке услуг высшего образования и тенденции его развития	61
Обид Мамаюнусович Пардаев Юқори технологик хизматларнинг назарий масалалари ва уларнинг коммунал хизматлар соҳасида қўлланилиши	64

НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, и.ф.д.

Озода Мамаюнусовна Пардаева – Тошкент давлат иқтисодиёт университети кафедра мудири, доцент, PhD.

Севара Абдуназаровна Бабаназарова – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти доценти, PhD

ИНСОН РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФЙДАЛАНИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация. Мақолада инсон ресурсларидан самарали фойдаланишнинг концептуал йўналишлари қараб чиқилган. Инсон ресурсларидан самарали фойдаланишнинг тўртта концептуал йўналишлари, сифатли таълимни йўлга қўйиш орқали инсон уларидан самарали фойдаланишнинг концептуал йўналишларини амалга ошириш учун лозим бўлган ўнтадан зиёд муҳим чора-тадбирлар ҳам кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: инсон ресурслари, инсон ресурслари самарадорлиги, концепция, концептуал йўналишлар, таълим сифати, инсон капитали, илм-маърифат, замонавий кадрлар.

Кириш. Бугунги кунда инсон капитали (ресурслари) дунё тараққиётининг асосини ташкил қилмоқда. Мамлакатимиз Президенти таъкидлаганидек, “бугунги кунда дунё иқтисодиётида тўпланган жами бойликнинг 16 фоизи ишлаб чиқариш воситалари, 20 фоизи табиий ресурслар ҳисобига тўғри келса, нақ 64 фоизи, яъни учдан икки қисми бевосита инсоннинг ақли ва салоҳияти, билими ва тажрибаси маҳсулидир”¹. Кўриниб турибдики, бундай шароитда ҳар бир мамлакатнинг барқарор ривожланиши, рақобатбардошлигининг мустақамлигига инсон капитали даражаси билан белгиланади. Буни мамлакатимиз раҳбари ҳам таъкидлаб, “Биз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилган эканмиз, бунга фақатгина илм-маърифат ва инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган ислохотларни жадаллаштириш ҳамда инновацион иқтисодиётга ўтиш орқали эришиш мумкинлигини унутмаслигимиз зарур”², деган ғояни олдинга сурди. Кўриниб турибдики, инсон капитали бугун ҳам, келажакда ҳам ҳал қилувчи омиллардан бири сифатида майдонга чиқмоқда. Шу туфайли мазкур мавзу ўта долзарб масалаларга бағишланганлигидан далолат бериб турганлигини кўриш мумкин.

Тадқиқот методологияси. Инсон ресурсларидан самарали фойдаланишнинг концептуал йўналишларига бағишланган мақолани тайёрлаш жараёнида турли методологик йўналишлардан, хусусан, индукция ва дедукция, миқдор ва сифат, макон ва замон, таҳлил ва синтез, мантикий таҳлил каби методологик ёндошувлардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Концептуал йўналишлар деганда, унинг негизида концепция сўзи туради. Концепция тушунчаси аслида лотинчадан олинган бўлиб, “тўплаш, бирлаштириш; тизим; ибора” деган маъноларни англатиши қайд этилган. Кейин: “Қарашлар, фикрлар йўналиши тизими; фикр юритиш, дунёни тушуниш, англаш усули”³, деган изоҳлар берилган. Ушбу сўз рус тилидаги “Словарь иностранных слов”да қуйидагича ифодаланган. Бу сўз аслида лотинчадан олинган бўлиб, унга иккита изоҳ берилган. Бунда: “1) ҳодиса ва жараёнлар тўғрисида тушунчалар тизими; 2) қандайдир бадий асарни, илмий ишларнинг асосий ҳал қилувчи ягона ғоясини ифодалайдиган тушунча”⁴, дейилган.

¹ Мирзиёев, Шавкат Мирамонович. Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон. –Т.: “O‘zbekiston” нашриёти, 2024. – 67 бет.

² Ўша жойда. – 67 бет.

³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмалари. Ж: П. Е – М. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” ДИН, 2006. – 405 бет.

⁴ Словарь иностранных слов.16-е изд., испр. – М.: Рус. яз., 1988.– 259 стр.

Кўриниб турибдики, концепция маълум маънода у ёки бу тушунча, ҳодиса ва жараёнларнинг асосий ғоясини ифодалайди. Агар ушбу дунёқарашдан келиб чиқадиган бўлса, концепция категориясига (атамасига) қуйидагича таъриф беришни мақсад қилиб олдик. **Концепция деганда, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий каби жараёнларнинг негизини англашда қўлланиладиган асосий ғоялар мажмусидан иборат атамалар тизими тушунилади.** Кўриниб турибдики, битта сўзда бир қанча ғоялар, атамаларнинг мазмуни ўз ифодасини и топиши лозим экан.

Инсон ресурсларидан самарали фойдаланишнинг концептуал йўналишлари қуйидагилардан иборат:

Биринчи галда, ИРнинг баркамол дунёга келиши ва ўсишида онанинг фарзандига пренатал парвариши ҳақидаги билимини бойитишга алоҳида аҳамият бериш лозим. Чунки бола онанинг қорнида соғлом улғайиш керак. Шундай вақтлар бўлдики Ўзбекистонда болаларнинг кўпчилиги турли нуқсонлар билан туғулди ва бу ҳозир бироз камайсада ҳамон ушбу нуқсон сақланиб қолмоқда. Буни имкон қадар бартараф қилинмаса, соғлом авлодни шакллантириш жуда мураккаблашиб боради.

Иккинчидан, ИРнинг саломатлигини сақлаш учун болалигидан тўғри овқатлантириш орқали соғлом ўсиши ва вояга етишини таъминлаш лозим. Болаларни ёшлигидан организмга зарур бўлган, турли витаминлар ва минералларга бой озиқ-овқатлар билан таъомлантириш лозим бўлади. Бунда албатта биринчи галда онанинг сути асқатади, аммо ҳам оналарда ҳам боланинг эҳтиёжини тўлиқ қондира оладиган сут етарли бўлмаслиги мумкин. Шу туфайли Пайғамбаримиз с.а.в. пайтларда ҳам эмизикли она (бошқа она эмизган) жорий қилинган. Ҳозир албатта жуда кўп қўшимча болалар учун овқатлар ихтиро қилинди. Бироқ буларни ҳам эҳтиёткорлик билан беришни тақозо қилади.

Учинчидан, ИРларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун болаларга ёшлигидан ўзларининг йўналишларини аниқлаб, уларга сифатли таълим беришни йўлга қўйиш керак. Бу босқич бежиз мактабгача, мактаб, ўрта махсус, олий ва олий ўқув юртидан кейинги таълимга бўлинмаган. Ҳар бир босқичда ўзига хос ёндошув бўлиши керак. Ҳозирги пайтда бў бўйича дунё бўйича тегишли концепциялар ишлаб чиқилган, Буларнинг айрим ўзимизга мослари қўлланилмоқда. Ушбу масала бугунги инновацион ривожланиш тезлашиб турган бир паллада ўта зарур бўлиб ҳисобланади. Олдин ўзгаришлар асрлар давомида содир бўладиган бўлса, ҳозир бир ойда, йилда туб ўзгаришлар содир бўлмоқда. Жумладан 21-аср бошларида мамлакатимизда инновацион ва рақамли иқтисодиётни кутиб олдик. Кўп ўтмасдан креатив иқтисодиёт пайдо бўлди. Бу билан бирга хулқ-атвор иқтисодиёти деган тушунчалар ҳам кириб келди. Олдин иқтисодиёт асосан моддийликка таянган бўлса, эндиликда номоддий неъматлар устуворликни ташкил қилмоқда. Ҳозир ҳаётимизга сунъий интеллект деган янги йўналиш пайдо бўлдики, бу жуда кўп инсон функцияларини ўзи бажармоқда. Бундай тез ўзгаришлар даврида ИРни шунга мос ҳолда камол топтиришнинг ўзи бўлмайди. Шу туфайли ҳозир таълим олдида жуда катта масъулият пайдо бўлди. Шундай ўзгаришлар билан бирга инсонга таъомланиши, бунинг учун озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдек вазифа ҳам турибди. Буни етиштириш учун асосан жисмоний меҳнатни талаб қилади. Бундай шароитда нима қилиш керак. Хуллас таълим олдида жуда кўп мураккаб масалалар турибди.

Тўртинчидан, ИРларидан самарали фойдаланиш учун уларнинг саломатликни сақлаш ҳам муҳим масалалардан биридир. Бу ҳам ўта мураккаб жараён. Олдин инсонларнинг аксарият қисми жисмоний ҳаракатда бўлган. Бироқ ҳозирда асосан бу ҳаракат чекланиб қолди. Ҳамма ўтириб ишлашга тўғри келмоқда. Энди аёқ-қўлнинг ўрнига фақат қаллани ишлатишга тўғри келмоқда. Бундай шароитда саломатлики қандай сақлаш мумкинлиги тўғрисида фикр юритиш ҳам жуда мураккаб. ИР саломатлигини сақлаш учун тўғри овқатланишни ташкил қилиш керак. Организмни тегишли витаминлар ва минераллар билан тўйдириш лозим. Қоринни тўлдириш эмас, балки тўйдириш масаласи муҳим бўлиб қолмоқда. Бу борадаги навбатдаги йўналиш ҳар бир инсонга жисмоний ҳаракатни ҳам меъёр даражасида амалга ошириши учун тегишли шароит бўлиши керак. Бу

хам ўта муҳим ҳисобланади.

Инсон капиталининг шаклланишида сифатли таълим ҳам муҳим роль ўйнайди. Буни инобатга олиб Президентимиз: “...бундан буён билим, таълим ва тарбия – Янги Ўзбекистоннинг таянч устунларига айнаниши шарт. Бугун барча соҳаларда тараккиёт сари юз тутаётган жонажон Ватанимиз учун билимли, тажрибали ва ҳар томонлама етук адрлар сув ва ҳаводек зарур”¹, деб таъкидлади. Бироқ, ҳозирги пайтда **сифатли таълимни йўлга қўйиш орқали инсон ресурсларидан самарали фойдаланишнинг концептуал йўналишларини амалга ошириш учун қуйидаги бир неча муҳим тадбирларни амалга ошириш керак бўлади.**

Биринчи галда, ўқитувчилар ва мураббийларнинг замонавий талабларга мос бўлган касбий тайёргарлигини ошириш, улар учун касбий ривожланиш дастурларини ташкил этиб, унга эришиш учун тегишли шароит ва муҳитни яратиш лозим. Педагоглар талабга жавоб бермайдиган бўлса, қолган барча ҳаракатлар бефойда. Шу туфайли энг ҳурматли ва сердаромадли, шу билан бирга энг масъулиятли касб – бу ўқитувчилик касби бўлиши лозим. Чунки ушбу касб билан бугунги керак бўладиган муҳим неъмат ИРни тайёрлайди. ИР нафақат бугун учун, у балики келажак учун бундан ҳам муҳимдир. Агар педагог бугун илғор бўлиб, эртанги кунга ташхис қўя олмаса, буларнинг тайёрлаган кадрлари яроқсиз ҳисобланади. Ҳозирги талабалар кўпвариантли фикрлайдиган бўлишлари шарт. Акс ҳолда ИРни такомиллаштириш жуда мураккаб бўлиб қолади.

Иккинчидан, педагогларнинг билиши лозим бўлган ва ўқитиши зарур бўлган таълим дастурларни модернизация қилиш ҳам ўта муҳимдир. Мавжуд таълим дастурларини замон талаблари ва бозор эҳтиёжларига мувофиқ қайта кўриб чиқиш лозим бўлади. Ҳозирги пайтда бу қайта кўрилувчи. Бироқ жуда тез ўзгартирилмоқда. Бу ҳам барқарор тараккиёт учун етарли эмас. Айни бугунги кунда “Етти ўлчаб бир кес”, деган мақолга амал қиладиган вақт келди. Таълим дастурларини бир ёки 2-3 йилни кўзлаб эмас, узоқни ўйлаб, ўзгаришларга эътиборни қаратган ҳолда яратиш лозим. Бу камида 5 йил бўлмаса 10 ва ундан кўп йиллардаги ўзгаришларни қамраб оладиган бўлиши лозим.

Учинчидан, ҳозирги ўзгаришларга мос турли технологиялардан самарали фойдаланиш йўллари ҳам кўриш лозим. Замонавий таълим технологияларини жорий қилиш, масофадан (дистанцион) таълим форматларини ривожлантириш масаласи ҳам бугунги кунда долзарб йўналишлардан бири сифатида қаралиши мақсадга мувофиқдир. Ушбу таълимнинг қулайлиги, бир жойда туриб, масофани босиб ўтишга вақт ва энергия сарфламасдан турли нуқталардан билимларни олиш мумкин бўлади. Бунинг учун тегишли моддий-техника ва технологиялар яратилган. Бунинг яна бир афзаллиги битта аудиторияга 70-100 киши сиғадиган бўлса, ушбу усул билан турли ҳудудларда жойлашган минглаб одамларни ўқитиш мумкин.

Тўртинчидан, педагогларнинг самарали ишлаши ва талабаларнинг (ўқувчиларнинг) таълимни яхши эгаллаши учун таълим муҳитини яхшилаш лозим бўлади. Бунда тегишли ўқув заллари, лабораториялар ва бошқа таълим инфратузилмаларини замонавий стандартларга мослаштириш ва имкон қадар дуал таълимни йўлга қўйиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Талабалар назарий билим олиш билан бирга амалиётни ҳам ўрганиб, эртага бемалол ишлаб кетадиган бўлиши лозим. Бунда бир муҳим концепцияни инобатга олиш лозим бўлади, чунки, талабалар ўқув муассасани битирганидан кейин қайси ташкилот мени ишга қабул қилади, деган саволга таяниб қолмаслиги керак. Ҳар бир ўқувчи битирганидан кейин нима иш қиламан, қайси бизнесни ёки муассасани очиб ишлайман, деган савол билан битирган бўлса, у ўзига ўзи иш жойини ҳам яратади ва бир қанча иш ўринларини ҳам барпо қилдади. Бундай шароит иқтидорли талабалар учун 10 ёки 15 йил керак бўлмайди, балки олийгоҳни битириб шунга киришади.

Бешинчидан, талабаларнинг ўзини ўзи такомиллаштириш, тегишли билимларни эгаллашлари учун ўзларининг фаол иштирокини таъминлаш ҳам лозим бўлади. Нима

¹ Мирзиёев Ш. М. Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон. – Тошкент: “O‘zbekiston” нашриёти, 2024. – 67 бет.

кимга керак бўлс, ўзи интилиши лозим. Талаба менга илм керак, деб интилмас экан, уни мажбурлаб ўргатиш биров қийин кечади. Шу билан бирга ўқиш жараёнида талабаларнинг ҳам фикрлари ва таклифларини инобатга олиш билан бирга, уларни таълим жараёнида фаол иштирок этишга тегишли шароит мативация яратилган бўлиши лозим. Бунинг учун педагог билан талабаларнинг бир-бирига маънавий муҳитининг мослиги жиҳатидан ҳам муносиблиги таъминланган бўлиши лозим.

Олтинчидан, талаба ҳам педагог ҳам бир вақтнинг ўзида бир хил изланиш ва инновацияларни ўрганиш ва ихтиро қилиш борасида ўйлашлари лозим. Бунда ўқитувчилар ва талабаларнинг илмий тадқиқотлар билан шуғулланишини рағбатлантириш масаласи ҳам асосий омиллардан бири ҳисобланади. Бунинг учун ҳар бир олий ўқув юртида илмий муҳит яратилган бўлиши мақсадга мувофиқ.

Еттинчидан, замон талабидан келиб чиқиб, фаолият кўрсатаётган ходимларга ҳам турли курслар ва тренинглари ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Булар махсус йўналтирилган касбларга мос келадиган бўлишлари мақсадга мувофиқ. Масалан, оддий фермер хўжалигида томчилатиб суғориш технологияси жорий қилинадиган бўлди. Олдинги ишлаб турган кадрлар энди шу томчилатиб суғориш билан боғлиқ техника ва технологияларни ўрганиши шарт. Шу туфайли бунга мос курслар ва тренинглари ташкил қилинади.

Саккизинчидан, инсон ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш учун кадрларга сифатли таълим тизимини жорий қилишни тақозо қилади. Бунга эришиш учун биринчи гада сифатли таълимни баҳолашни йўлга қўйиш лозим бўлади. Шунингдек, таълим жараёнларини вақти-вақти билан мониторинг қилиб бориш орқали уни баҳолаш тизимини жорий қилиш ҳам мақсадга мувофиқ.

Тўққизинчидан, ҳозирги кунларда амалиётга кенг жорий қилинаётган дуал таълим тизимидан самарали фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқ. Бунда олий таълим муассасалари, бизнес субъектлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш лозим бўлади. Чунки назариясиз амалиёт, амалиётсиз назария тўлиқ мукамал бўлмайди. Шу туфайли назария учун ҳам, амалиёт учун ҳам дуал таълим ўта муҳимдир.

Ўнинчидан, турли ташкилотлар ўртасида ўрнатиладиган ҳамкорлик ҳам инсон ресурсларидан самарали фойдаланиш учун муҳим. Зеро, ишлаб чиқарувчи корхона ўз мақсадига эришиши, яъни ишлаб чиқарилган маҳсулотларини истеъмолчиларга тўлиқ етказиши учун савдо корхоналари билан муносабат қилишига тўғри келади. Товар ва маҳсулотларни етказиш учун эса, транспорт воситаларидан фойдаланади.

Ўн биринчидан, таълим ва тарбияни тўғри йўлга қўйиш учун кичик ёшдаги болаларга ҳам кўпроқ эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Болалар таълимига алоҳида эътибор бериш, илк синфларга энг юқори сифатли таълимни тақдим этиш, уларнинг илмий салоҳиятини ривожлантириш билан бирга илмни амалиётга жорий қилиш механизмини ўзгартирил ҳам мақсадга мувофиқдир

Пировардида ушбу амаллар орқали сифати таълимни йўлга қўйиш ва ривожлантириш мақсадида муҳимдир.

Хулоса ва таклифлар. Тадқиқот натижасида бир қанча хулосаларга келиди ва таклифлар ишлаб чиқилди.

Биринчидан, сифатли таълимни йўлга қўйиш ва шу йўл билан инсон капиталини такомиллаштириш орқали мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлиги оширилади, аҳолининг тфаровонлиги таъминланади.

Иккинчидан, инсон ресурсларидан самарали фойдаланишнинг концептуал йўналишларининг ишга солиниши мамлакатимизда мақсад қилиб қўйилган Учинчи Ренесансни яратадиган кадрларнинг шаклланишига муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Учинчидан, мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 55 фоизини ёшлар ташкил этиб турган бугунги пайитда ҳар йили меҳнат бозорига камида 600 минг ёшлар кириб келмоқда.

Бундай шароитда мавжуд инсон ресурсларидан самарали фойдаланиш билан бирга тизимли равишда замонавий янги иш ўринларини яратиш ҳам лозим бўлади.

Тўртинчидан, янги иш ўринларини яратиш масаласи мамлакат миқёсида, вилоятлар ва туманларда (маҳаллалар кесимида) аҳолининг эҳтиёжини инobatга олган ҳолда ҳал қилишга киришиш, унга ҳар бир давлат раҳбарларининг, тadbиркорлар ва жамоатчиликнинг масъулиятини оширишга оид чора-tadbирларнинг белгиланиши мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу тавсияларнинг амалга оширилиши “Ўзбекистон - 2030” стратегиясида кўзда тутилган аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш ва фаровонлигини оширишга қаратилган вазифаларнинг бажарилишига хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев, Шавкат Мирамонович. Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон. – Тошкент: “O‘zbekiston” нашриёти, 2024. – 560 бет.
2. Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Озода Мамаюнусова Пардаева, Севара Абдиназаровна Бабаназарова. Мирзо Улуғбекович Болтабаев. Инсон ресурслари аналитикаси (таҳлили) фани методининг назарий масалалари. //“Xizmatlar sohasini strategik rivojlantirish orqali hududlarda barqaror iqtisodiy o‘shish va aholi farovonligini oshirish imkoniyatlari” XIАK materiallari. 2025 йил.
3. Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Озода Мамаюнусова Пардаева, Севара Абдиназаровна Бабаназарова. Темур Олимович Мамаюнусов. Инсон ресурслари аналитикаси (таҳлили)нинг фанининг принциплари. //“Xizmatlar sohasini strategik rivojlantirish orqali hududlarda barqaror iqtisodiy o‘shish va aholi farovonligini oshirish imkoniyatlari” XIАK materiallari. 2025 йил 21-22 февраль. 3-қисм. Самарқанд, СамИСИ, 2025. – 49-57 бетлар.
4. Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Озода Мамаюнусова Пардаева, Севара Абдиназаровна Бабаназарова. Инсон ресурслари аналитикаси (таҳлили)ни баҳолашда қўлланиладиган қиймат занжири. // “Xizmatlar sohasini strategik rivojlantirish orqali hududlarda barqaror iqtisodiy o‘shish va aholi farovonligini oshirish imkoniyatlari” XIАK materiallari. 2025 йил 21-22 февраль. 1-қисм. Самарқанд, СамИСИ, 2025. – 217-220 бетлар.
5. Словарь иностранных слов.16-е изд., испр. – М.: Рус. яз., 1988.– 259 стр.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмалари. Ж: П. Е – М. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” ДИН, 2006. – 405 бет.

<p style="text-align: center;">М.Пардаев, О.Пардаева, С.Бабаназарова</p> <p style="text-align: center;">Концептуальные направления эффективного использования человеческих ресурсов</p> <p>Аннотация. В статье рассматриваются концептуальные направления эффективного использования человеческих ресурсов. Также указаны четыре концептуальных направлений эффективного использования человеческих ресурсов, более десяти важных мер, необходимых для реализации концептуальных направлений эффективного использования человеческих ресурсов путем создания качественного образования.</p> <p>Ключевые слова: человеческие ресурсы, эффективность человеческих ресурсов, концепция, концептуальные направления, качество образования, человеческий капитал, знания, современные кадры.</p>	<p style="text-align: center;">M.Pardaev, O.Pardaeva, S.Babanazarova</p> <p style="text-align: center;">Conceptual directions of effective use of human resources</p> <p>Abstract. The article examines conceptual directions of effective use of human resources. Also, four conceptual directions of effective use of human resources, more than ten important measures necessary for the implementation of conceptual directions of effective use of human resources by creating high-quality education are indicated.</p> <p>Keywords: human resources, efficiency of human resources, concept, conceptual directions, quality of education, human capital, knowledge, modern personnel.</p>
---	--

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

10.09.2025 йилда теришга берилди. 26.09.2025 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84 $\frac{1}{8}$. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табағи 13,75. Адади 100 нусха. Буюртма № 0054А/25

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2025.